

ҚАШҚАДАРЕ. Қарши районидagi «Партия XXII съезди» совхози сўт-товар фирмаси соғуғиши, КПСС аъзоси Зулхумр Эгамбердиева (суратда) жамоатчилик асосида кўча кутубхонага мудирлик қилмоқда. У чорвадорларни янги адабиётлар билан муштаз таъминлаб турибди.

III. Шаропов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларга бағишланган Пленуми олдидан

Миллатлараро муносабатлар: БУГУНГИ АҲВОЛ ВА ИСТИҚБОЛ ҚАБУЛХОНА КОТИБАСИ

ХИХ БУТУНТИҲФОҚ партия конференциясидан сўнг муҳбиримиз А. НУРДИНОВ қатор ҳуқуқшунос ва филолог олимлар билан учрашиб суҳбатлади. Шу тариқа таърифланган қатор муаммолар мақолада «Юридик суҳбатлар» рубрикаси билан газетада эълон қилинди.

Кейинги сўбатларда эълон қилинган ана шундай суҳбатлардан бири миллатлараро муносабатлар масаласига бағишланган эди. Бу давраимизнинг энг долзарб ва чинағал муаммоси бўлиб турганлигини ҳис этган муҳбир шу мавзуга яна қайтиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг катта олим ва доктори, фалсафа фанлари кандидати, доцент Б. МУСАЕВга бир неча савол билан мурожаат қилди.

Б. М. Муҳбир, м. С. Горбачев СССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 26 ноябрда бўлиб ўтган мажлисида бўлиб қолган ҳақиқат деди: «Миллатлараро алоқа муаммоларига эътибор берилмаганлиги натижасида бу алоқалар жиддий тус олади, бу ҳол ҳам жиддий таҳдид, ҳам тегишли ечимларни тақозо этмоқда». Бугун мамлакатда, шу жумладан бизнинг республикада миллатлараро муносабатлар соҳасидаги аҳвол сизнингча қандай?

Б. М. Шу йил 6 январда фан ва маданият арбоблари билан КПСС Марказий Комитетига бўлиб ўтган учрашувда Михаил Сергеевич шу муаммага қўшатиб, ҳаётнинг ўзи кўн тартибига қўйётган масалаларни илгари, тушуниб етиш ва ҳал этишда баъзан орада қолаётганлигини таъкидлади.

Совет кишилари турмуш тарзининг асосий принциплари интернационализмдир. Совет халқларининг дўстлиги, гражданлар ва Ватан уруши майдонларида синодан ўтиди, социализм куриш йўлида биргаликдаги ҳаракат йўлида мустақилликни йўлида йўлларини қўйди. Арманистон фолжасида совет кишининг энг яхши қасдлари — меҳр-оқибат, мардлик, меҳнатсеварлик, бардошлиликни ақлол намойиш бўлди.

Аммо Қўзғонистон, Тоғли Қўзғонистон, Сўматан, Бренан ва Бокуда юз берган воқеаларнинг асосий сабаби, Болтиёв йўли республикаларидagi жараёнлар, Грузия савфатасида ва фитначиларнинг миллатчилик ҳаракатлари бир томондан экономика, сийасат, идеология ва маданият соҳаларида тўлғаниб қолган жиддий муаммолар оқибатининг миллий жараёнларда намойиш бўлаётган иллатини кўрсатди, иккинчи томондан миллатчилик, нотиғри миллий тушуниш ва вайсалиш каби оқибатларнинг мавжудлигини далолатидир. Чунки, КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил ноябр Пленуми қатнашчилари, СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси депутатлари нутқларида, жумладан, миллатлараро кескинлик муаммолари, миллий озчилик вакилларини тақдирлаш, маҳаллийлик, республикалар аҳолисининг иқтисодий, сийсий-ҳуқуқий, маданий аҳуиёни қондирилмаётганлиги муаммолари кўтарилди.

Бу ҳақда мен Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг умумий аҳволига таъриф берар эканман, бизда иқтисодий, шу жумладан, миллатлараро кескинликлар юз бериши мутлақо мумкин эмас, деб қатъий таъкидлашга журъат этмаман. Миллий муносабатларда экстремизм ва миллатчиликнинг, иқтисодий кескинлик ўчоқларининг стилини пайдо бўлишини инкор этиш менимча, бугунги кунда сийсий масъулиятсизлик бўлув эди. Зотан, жамиятимизда турли соҳаларда социал адолат принциплари бузилган. Чунки, экология масалалари билан боғлиқ

шакллантириш, мамлакатимиз халқлари ва жаҳон халқлари аёнанадари, тили, санъати ва тарихига ҳурмат ҳиссини қарор топтириш зарурлиги таъкидланган. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг социология сектори ўтказган қатор социологик тадқиқотлар натижалари мулоҳаза талаб бўлиб қолди. Чунки, «Ўзбекистондаги аҳолининг миллий тартиб-ҳисобини бирлашмаси натижасида ўтказилган тадқиқот (жам 500 кишидан сўралди) эътибор ҳеч кимни ҳишунд этмади. Масалан, «Сиз халқингиз, унинг тили, удумлири, анъаналари, қисбатан менсимай муносабатда бўлишларга дуч келасизми?» деган саволга маҳаллий миллат вакилларининг жавоблари нисбати қуйидагича бўлди:

таъ-тез — 24,6 процент; баъзан — 25 процент; қамдан-кам — 20,7 процент; мутлақо — 28,3 процент; Айнаш шу саволга миллати рус бўлган ишчиларнинг берган жавоблари нисбати қуйидагича:

таъ-тез — 21,6 процент; баъзан — 41 процент; қамдан-кам — 13,7 процент; мутлақо — 21,6 процент. Рақамлар ҳақиқий аҳволни ақс эттириб турибди, эҳзоининг ҳолати йўқ.

Миллатлараро муносабатлар ва алоқалар соҳасидаги мавжуд иллатларни йўқотиш учун турли табақа меҳнатчилари йўналишининг тушунишасини, онини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш интернационал йўл-йўриқларини пайдо бўлиб қолган сабаблари ва манбалари аниқлаш керак. Шу муносабат билан, афтидан, ҳечдан кўра кел бўлса ҳам, миллий муносабатларни ривожлантиришнинг регионал программасини ишлаб чиқиш пайти келганга ўхшади. Бунда республикалар ва областларнинг ҳоҳ маданияти бўлсин, ҳоҳ идеология, ҳоҳ сийсий бўлсин, барча таълаблари, қўқиррали миллий манфаатлари ҳаётий тажрибалар асосида оддон чуқур ўрганилиши ва аниқ ҳисоботи олиниши керак.

Хуллас, биз миллий жараёнларнинг тинч оқимига тўғона бўлаётган кишанларни олиб ташлашга эканмиз, интернационал бирликнинг бундан бўён ривожланиб, мустақамланишига, миллатлараро алоқаларда инсонлар-варликнинг барқарор бўлишига ақл бовар қилмайди. Бу борада жамиятшуносликнинг айби ҳам оз эмас. У миллий жараёнларнинг бугунги аҳволи ва истиқболни кўрқмай, далиллик билан тўғри кўрсатиб беришни ҳали ўрганишни йўқ. Шунинг учун ҳам ҳозир баъжариладиган биринчи вазифа инфо-мацион банк ташкил этишдан иборатдир. Бундай банк республикада этносциал жараёнларни унинг бутун бой қилини ва ташқи алоқалари билан бирга қўшиб маҳаллий аҳамият миқёсида танлаб тадқиқ қилишдан мунтазам ва тўла ўрганишга ўтиш имконини беради. Шу боисдан КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларга оид долзарб муаммоларни комплекс ўрганидан илмий тадқиқот марказини тузиш тўғрисидаги қарори умидбахшидир.



Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қабулхонасига кирганимизда у телефонда гаплашяётган эди.

— Майли, отахон, ҳозир бандлар, бўшаилар билан сизга хабар қиламан. Албатта, гаплашасиз, бўпти, — деди у. Кейин трубкани қўяркан, очик чехра билан:

— Келинглар, — дея мурожаат қилди бизга. Саломлашган, мақсадимизни айтдик. У ўзбек тилида маъиниға қилиб:

— Биринчининг олдидан, де одамлар бор, Бироз кунтишингизга тўғри келади, — деди.

Биз стулларга ўтирдик. Секретарь ўрнидан туриб дераза олдидаги чойникни олган:

— Совуқ қотиб қолибсизлар-ку, — дея бизга бир либедан қўй узатди. Кутми жараёнида ўзбек тилида жуфс оёқ ва жуфс чироили гапиряётган бу қиз би-

лан танишиб олдик. Жанна Ли Бўстонлик, районининг Тавоқсой посёлкасидаги 7-ўрта мактабин рус тилида битирган экан. Аммо у болалигидек ўзбек тилида гапирини пухта ўрганиб олган экан.

— Қўшнларимиз ҳаммаси ўзбеклар эди, — дейди у. — Болалигимда уларнинг фарзандлари билан кўп ўйнардим. Тўйларда, бошқа йиғинларда ҳам бирга бўлардик. Баъзан бир-биримизникида етиб ҳам қолардик. Шунинг учун бўлса керак, ўзбек тилини, урф-одатлари аниқ яхши биларман. Биргина мен эмас, оиламиздаги 11 кишининг ҳаммаси бу тилда бемалол гаплаша олади...

Жанна бизга ўзбек тилини билганлиги кўп жойларда кўл келатганлигини айтиб берди. Айниқса, у Тошкентдаги офицерлар уйи ҳузурдаги тикуччилик қураида ўқитганида ўзбек дугонеларига мунтазам ердан берди. Областлардан келган қизлар баъзи терминларни яхши тушунишмас, натижада тошхирларни бажаришда қийналишарди. Шундай пайларда ҳаммаси кўнгли очик ва қувонқ Жанна ўртоқларидан асло қўлганин аямасди. Бу фазилати билан у ҳозир шаҳар партия комитетига ҳам эътибор топи-моқда.

Қабулга келганлар орасида рус тилида равон сўзлашсини билмайдиганлар урчаб туради. Шунда Жаннадан «отажикча гапиряверинг, отажикча ёки «бир лас савр қиласиз, хохламон» деган сўзларни эшитганлар чехрасида табассум пайдо бўлади. Шу заҳоти бу қизга меҳр билан юракларини очадилар...

С. ХАСАНОВ.
Ж. Жанна Ли.
М. Назаров фотоси.

ЮРИДИК СУҲАТЛАР

ган ўзга суҳбат мавзуси. Бироқ миллий муносабатларнинг бугунги аҳволига бевосита дахлдор.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, узоқ вақтлар давомида амалгетма ҳам, назаргетма ҳам миллий муносабатларда ҳеч қандай муаммо йўқ, дея оёр кетмасин қабилда мажбуран тиқширилган фикр ҳукм суриб келди. Иқтисодий ҳаётнинг шу соҳасидagi низоолар, муаммолар, зиддиятлар ҳақида нафақат дол-мим дейилмади, балки уларни чуқурроқ яширишга ҳаракат қилинди. Мана энди ўз вақтида чора қўриш ўрнига яшириб қўйилган ўша низоолар, зиддиятлар иқтисодий ҳаётнинг экономика, социал, сийасат, маданият, тил каби турли соҳаларида, таъбир жоиз бўлса, аста ҳаракатга келадиган миға каби портламоқда.

М. С. Горбачев фан ва маданият арбоблари билан учрашув чоғида баъзилар гўё қайта қуриш экономикада, социал ва миллатлараро муносабатларда муаммо ва қийинчиликлар туғдириди, дея қўчмоқчи бўлаётганлигини айтиди. Лекин биз бундай иллатларнинг ўтмишдан мерос бўлиб, йиллар давомида тўлғаниб қолганлигини, қайта қуриш эса атайлаб аширилган ана шу ақил касаллирини фақат ойдинлаштирилганлигини билиб турибмиз. «Касални яширсанг, иситмаси ошқор қилади» деганлари шу-да! Қайта қуришнинг хизмати шундаки, у бизга шу муаммо-

ленинча принципларни унутиб, иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, шу жумладан, миллий соҳасида ҳам ўзининг қаттиққўллик ва маъмурий бюрократик принципларини қарор топтириди. Бошқаруви орқича марказлаштириш, бюрократик централизм шаклланиши пировард натижада миллий ҳаётини ташкил этишда федерализмни вужудга келтирди.

Шундай қилиб, федерализмнинг асосий белгиларидан бири яъни ваколатнинг марказ билан республика ҳокимият органлари ўртасида қўйилиши мутлақо йўққа чиқди ва аҳамиятини бутунлай йўқотди. Марказнинг ҳукмронлиги кучайиб, республика давллат органлари ваколатлари пасайиб борди.

Умумиттифоқ министрлик ва идораларнинг ҳукмдорлиги, ўзбошимчилиги шундан ва у Эстония ССР Фанлар академиясининг академиги Густав Наан таърифлагандек, ўзига ҳоқ социалистик трансационалга айланди.

МУХБИР. Республикаларнинг иқтисодий мустақиллиги эришини қосига Сизнинг муносабатингиз қандай?

Б. М. Маъқуллайман. Бироқ, менимча, масаланинг моҳияти шундаки, референдум бўлиб ўтганидан сўнг кутилмаган дадил ечимлар имконини синчковлик билан кўриб чиқиш, мустақилликни маъмул даражада ошириш йўлидаги қадамларни назарий ва моддий жиҳатдан асослаш керак бўлади.

МУХБИР. Мен шундай тушунаман: Сиз бугун жамия-

Тошкент—Тожикистонга



ИНСОНИЙ БУРЧ

• Мамлакатлар • оғамлар • оғатлар •

Юқоридаги мисоллардан, манзаралардан кўриниб турибди, ҳамма халқлардаги дафн маросимларида дин у ёки бу даражада аралашган. Носоциалистик шароитда-ку, дафн маросимларида руҳонийлар аралашуви табиий. Аммо бизнинг социалистик жамиятимизда дафн маросимларида диний арбобларнинг аралашуви, энг инсонпарвар, энг зағу, граждонлик удуимизининг дафн маросимларида сабаб нима? Биринчидан, дафн маросимининг ўзининг бутун характерни киши руҳини эзади, одамларни шикаста ўйларга олиб боради. Дин пешовлари ана шу ҳолатдан усталик бўлиб, дафн маросимини қўлол қилиб боради. Дин пешовлари бу ҳолатдан усталик бўлиб, дафн маросимини қўлол қилиб боради. Дин пешовлари бу ҳолатдан усталик бўлиб, дафн маросимини қўлол қилиб боради.

Ф. Энгельс барча динларда ҳал этувчи элемент маросимчиликдир, деб бежиз эзмаган эди.

Кейинги йилларда дафн маросимларини ўтказишга бўлган муносабат одамлар даражада ўзгаряпти. Одамлар марҳумини сўнгги қўлга қўзатиб қўйиш, уни изазат-иқом билан дафн этиш инсоний бурч эканлигини тушуниб етмоқдалар. Урта Чирчиқ районига қолдоқ ишлар қарқаролигини ветеран, кенс пахтакор Э. Усмоновни дафн этиш диндан холи граждонлик маросими сифатида ўтказилган матбуот саҳифаларида ёритилди. Қабр тепасида бўлган митингга сафдошлар марҳумнинг ўшагига ибрат бўларли ҳаёт йўли, аътан, халқ олдидagi хизматлари, яхши фазилатлари ҳақида гапирди. Терешкова номли колхоз ветерани М. Гафоров ҳам шу тарзда дафн этилди.

Фрунзе районидagi «Конституция» маҳалла комитети активлари ҳам дафн маросимини тартибга солимоқдалар. Орқича ҳаролатларга барҳам берилди. Митингларда марҳумларнинг хизматлари, инсоний фазилатлари алоҳида тилга олинадиган бўлди.

Афсуски, бундай ибратли ишлар ҳали кўп эмас. Умуман ҳар бир тирик одамнинг, ҳар бир тирик жоннинг бошида бор. Мусибатга қолган одамга бориб, дабдурустан нима учун у ёки бу ресм-русмлар қийинчилиги деб ўқуриш ноп-ба ҳам айнан мана шундайдир.

Узбекистонда дафн маросимининг диний сарқилардан холи бўлаётганлигининг сабаби ҳам айнан мана шундайдир.

ТОШКЕНТДАГИ эскиватор ремонт таъриба-механика заводи 5-чехининг интернационал коллективи Тожикистонда элизиладан зарар кўрган қардошларига ёрдам беришни ўз бурчлари деб билишди. Цехда бир кун-

лик шанбалик ўтказилиб, ундан тушган 990 сўм иш ҳақи ҳамда ишлаб чиқарилган 20 та вагон-уйларга жўнатиладиган. СУРАТЛАРДА: цех бошлиғи Ш. Исмаҳамедов ўз коллективи аъзолари билан;

М. Нуридинов фотолари.

ШАХСИЙ ФИКР ОНА ТИЛИНГ УНУТМА ЗИНҲОР

ҲАММА халқларда ҳам ўзига ҳоқ бағрикенглик, ўзгал аёнчалар маъжуд. Бирор миллатни эвратиб бунинг урф-одатлари чироили, бунинг эса баъзилар деийишга ҳақимиз йўқ. Ленинча интернационализм тўғрисида билан яшавган бизнинг мамлакатимиз кишилар учун бу тўғрй эди. Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз ва бошқа миллатларнинг бир-бири билан бўлган ҳурмати, эътибори ҳам ана шу жамиятимиз савомаси. Биз ҳаммаимиз эҳсонлигимиз билан маънавий жиҳатдан боитиёғимиза қолмай, бошқа халқлар баҳтидан ҳам воқиф эатади. Бошқача айтганда, у қалбларини қалблар билан тулаштируви қўриқидир.

Ана шу тилга маънавийлик эътироф этган ҳолда, ўз тилини яъни ўзбек тилини пухта билимайдиган ёки уни билишга қолқай қарайдиганларни ўргатганимизда ич-ичимдан ачинаман, баъзан нафратланаман ҳам. Ахир сен қайси диврада яшайсан, сувини ичиб, нонини еб юрган ўз ўлган, халқингнинг тилини билмасанг, деб газибим ортади. Баъзан ўзбек бўла туриб, ёки энди рус тилида ўқимганимиз, уэр, ўзбек тилида гаплаша олмаймиз» дегувчилар ҳам учраб

лекцияларни ўзбекчага таржима қилиш, фақат рус тилида гапирини ўрганиб қолган халқларга ўзбекчага ўрганишлари билан боғлиқ иш-қўлчиларга олиб келди. Аммо тўғри йўл танлаб олинди.

Бизнинг интернационал оиламиз Совет Социалистик Республикаларини Иттифодига ич-ич, фикрини осон ифода қиладиган рус тили умумий тилимизга айланиб қолди. Бу тили ҳақи равишда иккинчи она тилимиз деб атай бошлади. Бироқ ўз она тилини билмаганлар икки томонлама ют-қазалар.

СССР Конституциясида рус тилининг давлат тили деб кўрсатилди. Иттифодимизнинг ҳамма республикаларида бу улуг тилга иктиёз беради. Бундан ташқари тенг ҳуқуқли қардош республикаларимизнинг ранг-баранг миллий тиллари ҳам маъжудди, улари эҳсонлигимизга тўқиб-тўқиб бўлмоқда. Жумладан, ўзбек тили ҳам минг йиллар давомида яшаб, сайқалланиб, муомаладана эмас, шэриятда, бадиий адабиёт яратишда ҳам ўзини оқлаб келатган мукамил, бой тилдир.

Д. СУЛТОНОВА,
кўп тиражлик «Педатр» газетаси муҳбири.

Непал қиролинига энг буюк қўққи Эверест этагидида жойлашган бутунадаги тобутга тушиб, ўз ўлимини қўтиб ётган кишиларнинг ўз кўзими билан кўргаман. Гўёки бу усулда жон берган одам тула-тўғри жаннатга тушар эмис.

Узбекистонда дафн маросимининг диний сарқилардан холи бўлаётганлигининг сабаби ҳам айнан мана шундайдир.

Ш. МИРАЛИМОВ,
тарх фанлари кандидати.



Муҳаммадшариф Сўфизода таваллудининг 120 йиллиги

ХАЛҚ ШОИРИНИ ЭСЛАБ



Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг мажлисларида ўтказилган илмий сессия ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири Муҳаммадшариф Эгамберди ўғли — Сўфизода (1869—1937)нинг ҳаёти ва ижоди бағишланди.

Маъмур тадбири Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Э. Ю. Юсупов очиб, Сўфизода 1926 йилнинг 27 февралда совет адабиёти олдидики катта хизматлари учун «Халқ шоири» деган шарафли унвонга биринчи бўлиб сазовор бўлганини, унинг ижоди ва мураккаб тақдирини ҳақида гапирди.

— Жамиятимизда бошланган қайта қуриш ва ошкоралик мубошаббат билан шахсга сажда даврининг қур-

бони бўлган халқимизнинг таниқли шайхлари хизматларини энди-энди очиб-ойдин тилга олаймиз, — деди нотиқ. — Сўфизода социалистик маданиятимиз асосчиларидан ҳисобланади. У Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик тузумини ўз кўзи билан кўрган. Ўз юртининг қуягини қилиб, умрининг бир неча йиллини ҳориний элларда ўтказди. Шон Оқтоб ўз қиллоби галабасидан сўнг Ватанига қайтиб келди. Репрессия даврининг энг даҳшатли томони шундаки, у одамларни жисмоний жиҳатдан абгор қилибгина қолмай, балки уларнинг ижодида ўзининг салбий таъсири ҳам ўтказди. Мана шунинг учун ҳам Сўфизоданинг оқланганлигига 33 йил бўлишига қарамай у ҳақда биз жуда оз нарсга биламиз. Бу иккинчи шайхларнинг кечирилмас ақбидир. Халқ ўзи учун фидо бўлган фарзандларининг номини, уларнинг хизматларини яхши билиши ҳамда эрдоклаши керак.

Чиндан ҳам икки аср воқеаларининг гувоҳи бўлган, ўтган асрнинг 90-йилларидаги Мухоммаднинг муносиб издоси сифатида танилган Сўфизода эл-юрт севган шоирлардан эди. Аммо Фитрат, У. Носир, А. Қодирийдек талантлари қатғоран эгган шахсга сириниш даври уни ҳам четлаб ўтмади. Сўфизоданинг касалхонада қамқоқчи олиб кетилганлиги у 69 ёшда бўлиб, соғлиги анча ёмонлашиб қолган эди.

Шоир ўзининг бутун ҳаёти деовида меҳнаткаш халқ билан ёнма-

ён турган, ҳам ижоди, ҳам граждандлик фаолияти билан иқтилоб ишига хизмат қилган. Барча халқларнинг тинч-тотув яшашини орзу қилиб: «Ер шарни бирлиқда бўлсин, барча халққа бир Ватан!» деб ёзган шоир ҳар қанча ардоққа муносибдир. Сессияда сўзга чиққан филология фанлари докторлари Б. Назаров, И. Абдуллаев, Озарбайжондан келган меҳмонлар Х. Ризо, Қ. Қосимзода, филология фанлари кандидати Н. Каримов, М. Назаров ва бошқалар мана шулар ҳақида гапириб, Сўфизоданинг улғу хизматларини таъкидлашди.

Шундан сўнг Намангандан келган бир гуруҳ меҳмонларнинг хотираларини тингладик.

А. Ҳафизов: — Улғу Ватан уруши катташсин, шоирнинг энг яқин дустининг ўлими.

Сўфизодани иккинчи олам деф биланам. Турфа суҳбатлар гоҳ бизникида, гоҳ шоирникида давом этарди. У киши менинг олам тайёрлаган макта паловини ҳуш кўрадилар. Дастурхон йиғилганда сўнг олазнда аёлнинг умри узун бўлади, — деб қўядилар. Репрессия йилларида азал-отамни, сўнг шоирни олиб кетишди. Икковларини қутқариш учун юқори органларга мурожаат этдим. Лекин ҳеч бир натижа бўлмади... Мана Тошкентга бориб, Сўфизода ҳақидаги хотираларингиздан айтиб берасиз, дейишганда ҳам даррадан ҳам қувончдан уч қун ҳаловатиниким. Эски ярам янгилади. Гапирарасам гап кўп. Шунингга

шукурки, шоир оқланди, қайтадан халқига қайтди.

Х. Орплов: — Чуст педагогика билим юрти ўқитувчиси:

Мен шоир ижоди билан жуда қизиқаман. Уни шахсан кўрган-билганларини эсладим. Қаринги Сўфизода ўқитган олти нафар кишини (улар ҳозир 80—85 ёшда) топдим. Шунинг ҳайратланарлики, улар шоир ҳақида уни худда кечганига кўргандек гапириб беришди, шеърларини аёдан ўқиди. Умуман Чустада Сўфизоданинг шеърларини аёдан билмаган кишилар кам топилмади.

Кесаларнинг айтишларича, шоир иқтилоб берган янги замонани улғулаб, унинг душманларига қарши курашини очик ёқога этиб, ўроқ билан болгани қизил матога боғлаб ҳамиша елкасига осиб юраркан...

А. Холмизов: — Тошкент политехника институтини Наманган филиали ўқитувчиси, Сўфизоданинг невареси:

— Бобомни буюм ва дадамдан эшитган хотиралар орқали биланам. Жуда оғир давлар бўлган эканда. Буюм — Забихон ая 1985 йилда 85 ёшда вафот этдилар. Сўнгги кунларига бобомнинг хотирасини эъзозлаб яшадилар. Бобомнинг буғунги кунда шунчалик эҳтиром билан тилга олиниши ҳаётининг энг қувончликидир.

Сўнгга Чуст шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. Нуриллаев илмий сессия таъкидотчиларига миннатдорчилик билдириб, А. С. Пушкин номи Тил ва адабиёт институтини коллективга эсдалик соғва топширди.

Йиллиги охирида М. Сўфизода ҳаёти ва ижодини ўрганувчи комиссия тузишга қарор қилинди.

Г. ЯНДОШЕВА.

СЎЛИМ
ВОДИЙ
ТАРОНАЛАРИ

III Бутуниттifoқ халқ ижодиёти фестивалига бағишлаб Оҳангарон район маданият бўлими томонидан қатор тадбирлар уюштирилди. Яқинда Қорахитой қишлоқ маданият уйда ўтказилган ана шундай танта-налардан бири «Оҳангарон водийси тароналари» деб аталди.

Бадий ҳаваскорларнинг маъмур таъанасига Янгйўл шаҳар маданият уйининг «Заррин яроқлар» фольклор этнографик ансамбли қатнашчилари ҳам келишди. Улар томонидан ўзбек миллий урф-одатлари, жумладан тўй маросимларини ўтказиш саҳналаштирилган.

Шундан сўнг наваб Оҳангарон район маданият уйининг «Таманно» фольклор ансамблига берилди. «Зул-амалдан зиё» музикали композицияси ўзбек хотин-қизларининг аянлиқ ўтмишини акс эттирувчи саҳна билан бошланди. Иккинчи қисмида эса хур ва овоз совет хотин-қизлари, уларнинг бахт ва шодликлари таранум этилди.

Қорахитой қишлоқ маданият уйи бадий ҳаваскорлар ижросидаги далав ва айтишувлар, қишлоқдаги «Шалла» ансамбли қатнашчиларининг қишқ ва рақслари барчага манзур бўлди.

М. МУЗАФФАРОВА.

РЕКЛАМА ВА
ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ

ДУСТЛИГИ САРОИИДА

10 февраль соат 19.30 да,

11, 12 февраль соат 16 ва 19.30 да

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист

НАСИБА АБДУЛЛАЕВА

ва

«САМАРҚАНД»

ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ

концерти

(Янги программа)

Ансамблининг бадий раҳбари — БАҲРОМ АБДУЛЛАЕВ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

М. Қорнқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИ СССР ХАЛҚЛАРИ

ДУСТЛИГИ САРОИИДА

15 ва 16 февраль соат 19.30 да

«ЕШ ИЖРОЧИЛАР САНЪАТИ»

ТУРКУМИДАН

Ўқтам АХМЕДОВ иштирокида

КОНЦЕРТ

Билетлар СССР Халқлари дустлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан бошлаб сотилмоқда.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР,

БИРЛАШМАЛАР, КООПЕРАТИВЛАРНИНГ

РАҚБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИНКАССАЦИЯ

БОШҚАРМАСИ

КЕЛИШИЛГАН НАРХЛАРДА

маошлар, майда қақалар, қимматли ҳужжатлар, наркотик шифобахш моддалар, зарғарлик буюмларини, Тошкент области ва Тошкент шаҳри районларига етказиб берилаётган қимматбаҳо буюмларини тўла муқофоза этилишини ҳисобга олган ҳолда жойларга етказиб бериш юзасидан

ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

АДРЕС: 700000, Тошкент шаҳри, Сулаймонова кўчаси, 51-уй. Телефон: 33-74-21, соат 9 дан 19.00 гача қўнғироқ қилинсин; соат 10 дан 13.00 гача келиб учрашсин.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИ

КУРСИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Трамвай ҳайдовчилар учун ўқиш муддати — 5 ой. Ўқишга кирувчиларнинг ёши 20 дан кам бўлмаслиги шарт, троллейбус ҳайдовчилар учун ўқиш муддати — 6 ой, ўқишга кирувчиларнинг ёши 21 дан кам бўлмаслиги шарт.

Ойига — 70 сўм стипендия тўланади.

Курсларга қабул қилинганлар трамвай ва троллейбусларда бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Елғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

Қўнғириқ адресларга мурожаат қилинсин:

2-трамвай депоси — Гагарин кўчаси, 50-уй.

«Красновосточное» депоси — Красновосточная кўчаси, 3-а уй.

1-троллейбус депоси — Т. Шевченко кўчаси, 28-уй.

2-троллейбус депоси — Пионер кўчаси, 4-уй.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг ўқув комбинати — Новий путь кўчаси, 180-а уй.

Маъмулотлар группаларининг комплекташувига қараб бошланади.

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ РАҚБАР ХОДИМЛАРИ

ВА МУТАХАССИСЛАРИ МАЛАКАСINI ОШИРИШ

БУТУНИТТИФОҚ ИНСТИТУТИ

Тошкент факультети

бўйича катта ўқитувчи

вакант вазифасига

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда илмий даражага эга бўлган ўрмон хўжа-

лиги ишлаб чиқариш мутахассислари ҳамда Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалигида катта амалий иш тақрибсига эга бўлган олий маълумотли мутахассислар қатнашишлари мумкин.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қўйидаги адрес бўйича конкурс комиссияга юборилсин: Пушкин шаҳри, Москва области, Институт кўчаси, 17-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ ҚОШИДА

эски ўзбек тили ва ўзбекистон тили бўйича

бир йилга мўлжалланган

ПУЛЛИК

КУРС ОЧИЛАДИ

Курс маъмулотлари 1

мартдан бошланади.

Курсга қатнашсин иш-тоқчи ўроқлар институт

қабулхонасига мурожаат қилишлари мумкин.

АДРЕС: 700170, Тошкент шаҳри, 170-алоқа бўлими,

И. Мўминов кўчаси, 9-уй, 2-қават, 200-хона (13, 22, 6-трамвайлар: 17, 18-троллейбуслар: 1, 17, 71, 83-автобуслар билан борилади).

Телефонлар: 62-43-67, 62-42-64.

СОТАДИ

АДРЕС: 700032, Тошкент шаҳри, Электронабель про-

езиди, Телефонлар: 62-75-17, 62-79-88.

ЯПОНЧА
МАНЕКЕН

ТАНЕР маъсулотлар савдосидан тушадиган фойдани қўлайтириш мақсадига, япон саноатчилари рекламани ривожлантириш йўлида нима-ларни ўйлаб топиш-майди, дейсиз. Ти-кувчилик саноати биз-нессменлари яқинда ўз қийимларини на-мойиш қилиш учун «япон авлод» манекенларидан фойдала-нишди. Уни яратиш-да конструкторлар ан-чагина меҳнат қилиш-ди: мураккаб техник мосламалар, электрон, компьютерли қурил-малар билан жиҳоз-ланган янги манекен-лар худди одамлар-га ўхшаб ҳаракат қи-лади, 200 га яқин тур-ли қўйинишларни, ҳо-латларини бажара ола-ди.

МХФ таъкилий кенгаши маълумотларига кўра «Ого-н» журналининг бош му-ҳаррири В. Коротич, публи-цист А. Нуйкин, Россия ко-операторлари уюшмаси пре-зидент В. Коротич, «Со-циологическое исследование» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари Г. Ботигин, Москвадаги дастлабки Братеево микрорайони жамоатчилик тартибда ўз-ўзини бошқариш комитети раиси С. Друганов-лар маъмур кенгаш уларни қўллаб-қувватлашдан фой-даланмоқчи.

С. Друганов ҳақида бир неча сўз. У жисмоний тарбия институтига КПСС тарихи ва сиёсий итисоди кафедрасининг катта ўқитувчиси бўлиб ишлади. Братеево аҳоли-сининг ақинда бўлиб ўтган йилгишда С. Друганов ик-тимий қайта ўзгаришлар ҳақидаги ўз нукта назарини баён этиб, шунингдек, соци-ализм мамлакатлари таъри-басига талланган ҳолда рефе-рендумлар ҳақидаги қонуни-ни, хусусан, фақат умумхалқ аҳамиятига молик қонуни-гине эмас, балки маҳаллий аҳамиятига қонуни ҳам иш-лаб чиқишни тақлиф қилган-ди. У экология масалаларига ҳам катта эътибор берди. Овозга қўйиш натижасида Бра-тево аҳолиси қўйиш овоз билан С. Другановини депутат-ликка номзод қилиб кўрс-етишди.

Пойтахтнинг эркин сиёсий таъкилотлари сайловолди ка-паниясини фақат ўзгичини намоён қилиш йўли дебгина эмас, балки қайта қуриш учун сиёсий кураш мактаби, деб ҳам билишмоқда.

Владимир БЕРЕЗОВСКИЙ, СССР ФА СССР тарихи ин-ститутини илмий ходими, (АПН).

Демакратия минбари

МХФ таъкилий кенгаши-дан депутатликка номзод-ларнинг сайловолди плат-формаларида шахс ҳуқуқ-лари ва эркинлигини таъмин-лаш, экономикасини соғлом-лаштириш ва ишлаб чиқариш-даги ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш, экологик вазиятни яхшилаш масала-лари алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, меҳнаткашларнинг турмуш кечирish даражаси-ни ошириш, озиқ-овқат ва турар-жой муаммоларини ҳал қилиш, ёш оилалар шароити-ни яхшилаш ҳамда шунга ўх-шаш бошқа кўп-лаб тадбирлар ҳам тавсия этилмоқда.

Маъмур сайлов, кампания-си коллектив тарзда ҳаракат қи-лишда фойдаланишнинг амал-даги дастлабки синиқдир, — дейилади МХФ таъкилий ке-нгашининг «Москва гражд-ларига мурожаатида». Бош вазирга халқ манфаатларини чинакаминга ҳимоя қила ола-диган, фидойи, ҳақиқатсўй, иккидй сиёсий фаолиятга, шунингдек, сиёсий курашга тайёр кишиларни сайлашга эришишдир.

Социал ташаббуслар фон-ди сайловолди программа ҳужжатлари ҳам таъминан МХФ таъкилий кенгашиники каби принципга тузилган бўлиб, уларда бир қатор аниқ тақлифлар ҳам, муҳимамлан-ган, Озиқ-овқат маъсулотлари ва турмуш учун зарур буюм-лар баҳосини оширамасли-к, уларнинг баҳоси ошган тақ-дирда пенсия ва бошқа соци-ал нафақалар ҳажминини ҳам ошириш, болаларга берила-

диган нафақалар ҳажминини қўлайтириш, корхоналарни меҳнат коллективлари икки-ринга, ерларин эса деҳқон-ларга қечканмаган мудафга ижарага бериш масалалари шулар жумласидандир. Умум-демократик ҳаракатдаги мах-садалар орасида халқ ҳоким-иятичилигининг чинакам асос-лари сифатида ҳамма ерда ва эзудлик билан ишлаб чи-қариш ҳамда терроризм ўз-ўзини бошқаришни ри-вожлантириш, иккимоний ҳа-ётнинг барча йирки масала-лари бўйича мунозам тарзда референдумлар ўтказиб ту-риш, қонуничиликка иқти-содий ва сиёсий заботасо-лар ҳуқуқини киритиш ка-биларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

МХФ таъкилий кенгаши маълумотларига кўра «Ого-н» журналининг бош му-ҳаррири В. Коротич, публи-цист А. Нуйкин, Россия ко-операторлари уюшмаси пре-зидент В. Коротич, «Со-циологическое исследование» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари Г. Ботигин, Москвадаги дастлабки Братеево микрорайони жамоатчилик тартибда ўз-ўзини бошқариш комитети раиси С. Друганов-лар маъмур кенгаш уларни қўллаб-қувватлашдан фой-даланмоқчи.

С. Друганов ҳақида бир неча сўз. У жисмоний тарбия институтига КПСС тарихи ва сиёсий итисоди кафедрасининг катта ўқитувчиси бўлиб ишлади. Братеево аҳоли-сининг ақинда бўлиб ўтган йилгишда С. Друганов ик-тимий қайта ўзгаришлар ҳақидаги ўз нукта назарини баён этиб, шунингдек, соци-ализм мамлакатлари таъри-басига талланган ҳолда рефе-рендумлар ҳақидаги қонуни-ни, хусусан, фақат умумхалқ аҳамиятига молик қонуни-гине эмас, балки маҳаллий аҳамиятига қонуни ҳам иш-лаб чиқишни тақлиф қилган-ди. У экология масалаларига ҳам катта эътибор берди. Овозга қўйиш натижасида Бра-тево аҳолиси қўйиш овоз билан С. Другановини депутат-ликка номзод қилиб кўрс-етишди.

Пойтахтнинг эркин сиёсий таъкилотлари сайловолди ка-паниясини фақат ўзгичини намоён қилиш йўли дебгина эмас, балки қайта қуриш учун сиёсий кураш мактаби, деб ҳам билишмоқда.

Владимир БЕРЕЗОВСКИЙ, СССР ФА СССР тарихи ин-ститутини илмий ходими, (АПН).

Демакратия минбари

МХФ таъкилий кенгаши-дан депутатликка номзод-ларнинг сайловолди плат-формаларида шахс ҳуқуқ-лари ва эркинлигини таъмин-лаш, экономикасини соғлом-лаштириш ва ишлаб чиқариш-даги ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш, экологик вазиятни яхшилаш масала-лари алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, меҳнаткашларнинг турмуш кечирish даражаси-ни ошириш, озиқ-овқат ва турар-жой муаммоларини ҳал қилиш, ёш оилалар шароити-ни яхшилаш ҳамда шунга ўх-шаш бошқа кўп-лаб тадбирлар ҳам тавсия этилмоқда.

Маъмур сайлов, кампания-си коллектив тарзда ҳаракат қи-лишда фойдаланишнинг амал-даги дастлабки синиқдир, — дейилади МХФ таъкилий ке-нгашининг «Москва гражд-ларига мурожаатида». Бош вазирга халқ манфаатларини чинакаминга ҳимоя қила ола-диган, фидойи, ҳақиқатсўй, иккидй сиёсий фаолиятга, шунингдек, сиёсий курашга тайёр кишиларни сайлашга эришишдир.

Социал ташаббуслар фон-ди сайловолди программа ҳужжатлари ҳам таъминан МХФ таъкилий кенгашиники каби принципга тузилган бўлиб, уларда бир қатор аниқ тақлифлар ҳам, муҳимамлан-ган, Озиқ-овқат маъсулотлари ва турмуш учун зарур буюм-лар баҳосини оширамасли-к, уларнинг баҳоси ошган тақ-дирда пенсия ва бошқа соци-ал нафақалар ҳажминини ҳам ошириш, болаларга берила-

диган нафақалар ҳажминини қўлайтириш, корхоналарни меҳнат коллективлари икки-ринга, ерларин эса деҳқон-ларга қечканмаган мудафга ижарага бериш масалалари шулар жумласидандир. Умум-демократик ҳаракатдаги мах-садалар орасида халқ ҳоким-иятичилигининг чинакам асос-лари сифатида ҳамма ерда ва эзудлик билан ишлаб чи-қариш ҳамда терроризм ўз-ўзини бошқаришни ри-вожлантириш, иккимоний ҳа-ётнинг барча йирки масала-лари бўйича мунозам тарзда референдумлар ўтказиб ту-риш, қонуничиликка иқти-содий ва сиёсий заботасо-лар ҳуқуқини киритиш ка-биларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

МХФ таъкилий кенгаши маълумотларига кўра «Ого-н» журналининг бош му-ҳаррири В. Коротич, публи-цист А. Нуйкин, Россия ко-операторлари уюшмаси пре-зидент В. Коротич, «Со-циологическое исследование» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари Г. Ботигин, Москвадаги дастлабки Братеево микрорайони жамоатчилик тартибда ўз-ўзини бошқариш комитети раиси С. Друганов-лар маъмур кенгаш уларни қўллаб-қувватлашдан фой-даланмоқчи.